Ушбу сонда:

2 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!

3 *Эҳтиёт шарт!* СУҒУРТА — КОНИ ФОЙДА

4 *Янги саҳифа:* ОЛИС ҚИШЛОҚ СПОРТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 февраль, жума №26 (1040)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Унда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва муддати ўтган дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссияларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳволи, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг иш ҳақига доир қарздорлиги масалалари кўриб чиқилди.

Ҳукумат комиссияси мажлисида бир қанча вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссия раиси Р.Азимов ўз маърузасида ўтган даврда вазирлик ва идоралар томонидан республика бюджетига тушумлар тахминий кўрсаткичларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди. Шу билан бирга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Ўзбек ипаги» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, «Ўзавтотранс» корпорацияси, «Ўзагромашсервис», «Ўзбектрансқурилиш»га қарашли ташкилотларда бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ўсгани қайд этилди.

Мазкур вазирлик ва идоралар раҳбарларига бюджетга тўланмай қолган қарзларни тугатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Марказий банк раиси, Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини қисқартириш бўйича кичик комиссия раиси Ф.Муллажонов ўз маърузасида ўтган даврда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳисобига 2001 йил 1 январдаги ҳолатга кўра республикадаги корхона ва ташкилотлар бўйича муддати ўтган умумий дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари 58 фоизга қисқарганини қайд этди. Бундан ташқари мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идоралар бўйича муддати ўтган умумий дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари 58 фоизга қисқартирилди.

Мажлисда тегишли кичик комиссияларнинг 2001 йилдаги фаолиятига оид устувор йўналишлар белгиланди. Улар бюджет олдида қарздорликка йўл қўймаслик, ҳудудий комиссияларнинг роли ва масъулиятини ошириш, ўзаро қарздорликка, бюджет тўловлари ўсишига йўл қўяётган тармоқлар ва идоралар раҳбарларига нисбатан кўриладиган чораларни кучайтиришдан иборат.

Ҳукумат комиссияси айрим корхоналарда иш ҳақи бўйича қарздорлик мавжудлигини қайд этди. Шу муносабат билан вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўзларига қарашли ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли қарорига мувофиқ иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш юзасидан тезкор чоралар кўриш топширилди.

Баённома қарорига асосан Ҳукумат комиссиясининг 2001 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

(ЎзА).



«Сурхонтекстил» акциядорлик жамияти Жарқўрғон туманидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири. Бу ерда мингга яқин ёшлар меҳнат қилишади. Ўтган йилни корхона 34,5 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Ҳозирда сифатли маҳсулот тўрт хорижий мамлакатга экспорт қилинмоқда. Корхона касаба уюшмаси томонидан меҳнатчиларга ишлаб дам олишлари учун барча қулайликлар яратиб берилган.

Суратларда: тўқувчи Гулчеҳра Сафарова; корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Жуманазар Қодиров ишчилар Муҳаббат Қаюмова, Дилором Пиримқулова ва Сарвара Чориева билан маҳсулот сифати хусусида фикрлашмоқда.

Р.АКБАРАЛИЕВ олган суратлар.

SIFATGA YARASHA MUKOFOT

Қорақалпоғистондаги «Хўжайли толаси» акциядорлик жамиятига Испаниядан қувончли хушхабар келди. Мадридда ҳар йили ўтказиладиган пахта сифати бўйича халқаро эксперт комиссияси анжуманида акциядорлик жамиятнинг маҳсулоти Германия ва АҚШ эксперт комиссияси томонидан иккита олтин медал билан тақдирланди.

«Хўжайли толаси» раҳбари Файзулла Саъдуллаев мукофотни олиш учун март ойида Франкфурт ва Нью-Йоркка таклиф этилди. Акциядорлик жамияти ишлаб чиқарган маҳсулот 1998 йил Мексикада ва 1999 йилда АҚШда мукофотга сазовор бўлган эди.

(ЎзА).

ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси

қўшимча имтиёзлар

Меҳнатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзлар яратишда жамоа шартномаларининг роли катта бўлаяпти. Тармоғимизга қарашли барча корхоналарнинг ана шу меъёрий ҳужжатида оиласида икки ва ундан ортиқ 14 ёшгача боласи бор аёлларга етти кунгача, меҳнат стажига эга бўлганлар учун беш кунгача, муайян жамоат ишларида фаол бўлганларга уч кунгача қўшимча таътил белгиланди. Ходим узоқ вақт касалхонада даволанса харажатлар корхона ҳисобидан тўланади.

Ўтган йили Ўзбекистон-Америка «ТЖМ Деларос» қўшма корхонасида ғишт терувчи бўлиб ишлаётган 25 нафар аёл олдинги иш ҳақлари сақланган ҳолда бошқа енгилроқ вазифага ўтказилди. Бу ерда катта миқдорда моддий ёрдам пули ажратилган. Тушлик бепул. 44 нафар икки-уч ёшгача фарзанди бўлган ҳаётимиз гулларига корхона ҳисобидан нафақа берилмоқда.

Жамоа шартномаси муҳокамаси давримда ишловчиларнинг таклиф-мулоҳазалари алоҳида инобатга олинди. Масалан, бордию ишлаб чиқаришда юз берган бирон ҳодиса туфайли ходим ногирон бўлиб қолса унга уч йилгача ўртача иш ҳақи тўланади. Биз савобли ишлардан ҳам четда қолаётганимиз йўқ. Чунончи, Марғилон шаҳар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига пойабзал, турли хил совғалар, Фарғона Болалар уйига эса кийим-бош ва бошқа жиҳозлар тортиқ этдик. Яхши ишларимиздан яна бири, тармоқ корхоналарида фаолият юритаётган ҳар бир ходимга белгиланган қўшимча ижтимоий мадад янада кўпайтирилди.

Фаолиятда баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, айрим жамоаларда иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳоллари учрамоқда. Жорий йил учун қабул қилинган жамоа шартномаларида уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган.

Х.ҚОСИМОВ,
Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси раиси.

KICHKINTOYLAR UCHUN

«Андижонгўшт» ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли Оналар ва болалар йили муносабати билан кичкинтойлар учун севимли ва фойдали бўлган гемотаген ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Экологик тоза маҳсулотлардан тайёрланган ушбу витаминга бой ширинликдан бир йилда юз минг дона ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Маҳсулот янада харидоргир бўлишини таъминлаш мақсадида кичик ҳажмда қадоқланиб, рангли гулқоғозларга ўралмоқда. Гул-қоғозлар пойтахтдаги «Растр» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида тайёрланяпти. Ҳозирча Андижон гемотагени болалар боғчаларига, шифохоналарга ва бошланғич синф ошхоналарига берилмоқда.

Андижон вилояти, «Туркистон» пресс.

XALQARO ANJUMAN BOSHLANDI

Пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида Ўзбекистон Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси ҳамкорлигида «Ўз-ўзини бошқарув органларининг ҳуқуқий бошқарилиши: қонунчилик ва амалиёт» мавзуида халқаро конференция бошланди.

Анжуманда Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Украинанинг давлат муассасалари ва ноҳукумат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этяпти. Иштирокчилар икки кун давомида ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми ва Марказий Осиё минтақаси давлатларида номарказлаштириш жараёни билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашади. Хорижлик қатнашчилар ўз мамлакатларининг маҳаллий бошқарув органларини ташкил этиш ва уларга тааллуқли қонунлар қабул қилиш борасидаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзлайди.

Мамлакатимиздаги турли ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишда ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органларнинг ўрни катта. Айниқса, маҳаллалар сингари институтлар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга молик. Қатнашчилар мазкур конференция ана шундай мақсадларни рўёбга чиқаришда чет эл тажрибасидан кенг фойдаланишга имкон яратишини ва бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

(ЎзА).



Кўкни кора булут қопласа, Карши шаҳридаги Хўжаёр Эшимов номли мактаб жамоаси юрак ҳовучлайдиган бўлиб қолишган. Сабаби, Шайхали кўрғончасидаги бу илм даргоҳи синф хоналари неча йилдирки иситилмайди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

ТОКАЙГАЧА БАҲОНА, РАИС БУВА!

Бироқ, шундай бўлса-да, касбкорга садоқатли, билимдон ўқитувчилар таълим-тарбия ишларини давр талаби даражасида йўлга қўйишга бутун чоралар билан ҳаракат қилишяпти. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўрса бўлади.

Нафиса Хўжаёрова мактабнинг 9-А синфида ўқийди. Чуқур билимли, ўта зийрак бу қиз ўз қобилияти билан назарга тушган. Адабиёт муаллими Лола Ибодуллаеванинг айтишича, Нафисанинг бугунгача ёзган шеърлари ўн дафтардан ошибди. Ватан, она замин ва меҳнат кишисини улуғловчи шеърлар ҳамқишлоқларига завқу шавқ бағишламоқда.

Юқори синф ўқувчиси Нурбек Эшимов «Ёш техниклар» тўгарагида иштирок этиб юрган пайтидаёқ ўзи ясаган моделлари билан республика мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритди. Кураш бўйича беллашувларда эса Давлат Рўзмамбетов мактаб шарафини муносиб равишда ҳимоя қилди. Республика Ички ишлар вазирлиги академияси раҳбариятидан ушбу илм масканида таҳсил олган Равшан Бўроновнинг фидойилиги ҳақида илиқ гаплар айтилган миннатдорчилик мактуби олинди. Буни қарангки, мустақил ҳаётга йўл олган 27 нафар ўқувчининг кўпчилиги олий ўқув юртларига кириш бахтига мушарраф бўлишди.

Ана шундай иқтидорли, эътиқодли ўғил ва қизлар, бахтга қарши, қишки машғулотларни дийдираб ўтказишади. Директор Чўян Кўчимов чуқур хўрсиниб, олдимизга бир даста қоғоз қўйди. Маълум бўлишича, улар синф хоналарини иситиш учун ёрдам сўраб, турли идораларга йўлланган мурожаатномалар экан.

— Ўқитувчилар жамоаси эрта кузданоқ ташвишга тушади, - фикрини ифодалайди директор. - Анча вақтдан буён иситиш тармоқларини янгилаш ёки таъмирлаш хусусидаги саъй-ҳаракатлар зое кетяпти. Гап шундаки, у «Қаршигўшт» ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги қозонхонага уланган. Лекин кучли пар босими бўлмаганлиги панд беряпти. Ўқувчилар мушкулини осон этишда беминнат ёрдам беришларини сўраб, ҳиссадорлик жамияти раиси Х.Эргашевга неча бор ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилинди. Бироқ у «узрли» баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмаяпти. Шароит етарли бўлмаганлиги сабабли СЭСнинг 3-сонли қарори билан мактаб фаолияти анча вақтга тўхтатиб қўйилганлиги ҳам ҳеч кимга таъсир қилмади...

Ҳаммасидан ҳам «Қаршигўшт» ҳиссадорлик жамияти раиси мактаб директорига йўллаган хатида етти банддан иборат шартлар бажарилгандан сўнг ёрдам қўлини чўзиши мумкинлигини писанда қилиши кишини ажаблантиради. Ўқитувчилар, жонкуяр кишилар кўмагида елиб-югуриб, таъкидланган хатда баён этилган шартларни бажарсаларда, Х.Эргашев ваъдасини бажаришга киришмаганлигига нима дейсиз! Боз устига, у Қарши шаҳар ҳокимига мурожаат этиб, иситиш ускуналарини таъмирлашни «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти зиммасига юклашни сўраганлиги ошиб тушди. Икки ўртада муаллимлар, ўқувчилар боши берк кўчада қолишди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ахир, мазкур мактабда «Қаршигўшт» ва «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятлари ишчи-хизматчиларининг ҳам фарзандлари ўқишмоқда-ку! Наҳотки, оддий фермерлар, саховатпеша кишилар илм масканига қўлларидан келган ёрдамни аямаётган бир пайтда иккита бақувват ҳиссадорлик жамияти ўта муҳим ишдан ўзини четга олса?! Ёшларнинг пухта билим, тарбия олишлари учун ваъда, баҳона эмас, амалий иш керак. Қарши шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бўлимидаги мутасаддилар бу ҳақда нима дейишаркин?

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Юз билан юзлашганлар

РОҲАТ МОМОНИНГ БАХТИ

Бу қутлуғ хонадондан меҳмон аримайди. Айниқса, байрам кунлари. Ўзбекона удумларимизу инсонийлик сабокларидан баҳра топиб, беихтиёр яна ва яна қадам ранжида қилганингизни билмай қоласиз. Юзёш билан юзлашган табаррук онахон Роҳат момо Низомовани зиёрат қилиб, дуоларини олишнинг ўзи бир бахт эмасми, ахир.

Момо бу йил ўзининг 101-баҳорини қарши олади. Кўз тегмасин, 5 фарзанд, 33 невара, 26 чевара, 84 эваранинг севимли бувиси ҳали тетик, бардам.

— Не-не мусибатларни бошимдан кечирмадим, - дейди у. - Айниқса, ёппасига жамоа хўжаликлари тузиш, зўрлаб одамларни унга аъзо қилиш, қатағон йиллари даҳшати ва уруш даври машаққатларини эсласам, ҳалиҳануз юракларим зирқираб кетади.

Онахоннинг ҳар бир сўзида бугунги кунга шукроналик сезилади.

Зеро, кейинги ўн йилликда эришилган ютуқлардан момонинг боши осмонда. Гарчанд ўзи қариб қолган эсада, фарзанду зурриёдларининг шу юрт учун жон куйдириб, ташаббускорлик билан меҳнат қилаётганидан қувонади. Қарангки, бир вақтлар ўзига тегишли хусусий мулкини мажбуран хўжаликка топширган Роҳат момонинг ўғли Собит ака бугунги кунда тадбиркор. Турмушлари фаровон, ҳамма нарса етарли.

— Бахтимизга юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин, - дея дуога қўл очади, у.

Зеро, табаррук момолар дуоси ижобат бўлғусидир.


Комила БОЙМУРОДОВА, Тошкент шаҳри.

МАТБУОТ МАРКАЗИ

Бухорода Матбуот маркази иш бошлади. Бу ерда журналистлар вилоят ижтимоий ҳаётига оид барча маълумотларни тегишли ташкилотлардан олиш ва тайёрлаш, шу ернинг ўзидан вилоят ва республика матбуотига юбориш имкониятига эга бўлишади. Матбуот маркази самарали фаолият кўрсатишига вилоят ташкилотлари ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишмоқчи. Марказ ҳомийларидан бири «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти телефон-факс алоқаси харажатларини ўз зиммасига олган бўлса, вилоят электр алоқаси бошқармаси яқин кунларда марказни компьютер билан таъминлайди.

(ЎзА).

Аввал ватан, кейин-жон!



Азиз фарзандларим!
Сизлар Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби довюрак, жасур, ватанпарвар буюк саркардаларнинг ворисисизлар. Уларнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари барчамизни она-юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, оналаримиз, опа-сингилларимиз, оиламиз бахт-саодатини, фарзандларимиз келажагини фидойилик билан ҳимоялашга даъват этади.

Ислом КАРИМОВ.

ОРЗУЛАРИНГ УШАЛСИН, АНВАР!

У ёшлигидан спортнинг футбол, оғир атлетика турлари бўйича жиддий шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиниққан. Касб-ҳунар лицейини аъло баҳолар билан тугатган. Қолаверса, мактабда чақириққача тайёргарлик фанига жуда қизиқарди. Шунинг учун ҳам у ҳарбий хизматга келганиданоқ дарҳол кўзга ташланди. Бугунги кунда Анварга катта масъулият юклатилган. У зенит ускуналари секцияси командири.

— Кичик сержант Анвар Ҳолиқов олдига қўйилган барча вазифаларни ўз вақтида бажариб, сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Унинг қўл остидаги аскарлар қишки ўқув мавсуми машғулотларида фаол қатнашиб, «аъло» баҳолар олиш учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланади, - дейди прапоршчик М.Саъдуллаев.

Ҳа, ҳарбий хизмат Анварни янада чиниқтирди. Қалбида ҳарбий касбга меҳр уйғотди. Аскарлик бурчини ўтаб бўлганидан сўнг у шартнома бўйича хизматда қолмоқчи. Орзуларинг ушалсин, Анвар!

А.ОМОНБОЕВ,
шартнома бўйича хизмат старшинаси.

ЧЎЛИДАГИ ҲАТТО ҚУРУҚ ЧЎП

жондан азиз юрагимизга


Қобил фарзанд соғлом оилада камол топади. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий айтганларидек: «Бир йил ҳосил олишни истасанг, буғдой эк, ўн йил ҳосил оламан десанг кўчат эк, юз йил ҳосил оламан десанг, фарзанд тарбияла».

Яхши фарзанд халқ учун, миллат учун, Ватан учун жон куйдиради. Ҳар биримизнинг шууримиздан «Мен Ватанга нима беролдим?» деган савол ўрин олса, демакки, биз шу гўзал Ватанимиз равнақи учун ўз ҳиссамизни қўшаётган бўламиз. Ватанимизнинг номи тарих дафтарига боболаримизнинг улуғ номлари билан бирга зарҳал ҳарфлар ила битилган. Илдизи буюкларга бориб тақаладиган авлодларнинг бурчи шу номга муносиб бўлишдир.

Шу она Ватан — барчамизники. Келинг, елкадошларим, муқаддас диёримизнинг ҳатто гиёҳига ҳам завол етмасин. Уни ҳимоя этмоқ бурчимиз экан, бу шарафли вазифа билан фахрланайлик. Севимли адибимиз айтганидек:

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан азиз юрагимизга.

Шодилбек ШАРОФИДДИНОВ,
катта лейтенант.





ИРОДА СИНОВИ

Офицер Мавлон Юнусов бошчилик қилаётган алоқачилар бўлинма аскарлари ҳақида алоҳида ғурур билан гапиришади. Улар ҳаёти, аскарлар хизматни қандай ўтаётганликлари билан яқиндан танишиш мақсадида йўлга отландик. Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Истамжон Султонов биз — журналистларни илиқ қарши олди.

— Бўлинмамиз мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг шаклланди, — дея йўл-йўлакай ҳикоя қилади у. — Тажрибали ҳарбий мутахассислар билим ва ташкилотчилик қобилиятларини ишга солиб, аскарларни она-Ватанга чексиз садоқат руҳида, иродали, ҳар томонлама чиниққан кишилар этиб тарбиялашга эришмоқдалар. Хизмат бурчини аъло даражада бажарган ҳарбийларимизнинг талай қисми давлатимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлишди.

Армияда хизмат қилиш ҳар бир ёш ҳаётидаги жиддий синовдир. Бу ерда у чиниқади, ҳаётни тушунади, ўз кучига, иродасига ишонч ҳосил қилади. Олиб борилаётган тарбиявий ҳамда тайёргарлик ишларининг кўлами кенг. Чиниқиш машқлари, спорт турлари билан шуғулланиш ўғлонларимизга катта наф келтираяпти.

Ҳар қандай ёвуз кучни даф қилиш қўлимиздан келади.

Аскарлар ётоқхонасидаги сариштлик, озодалик бир қарашда эътиборни тортади. Ҳар қаватда аскар ўз билимини ошириши мумкин бўлган хоналар бор. Улар истаган адабиётларини топиб ўқишлари, газета-журналларнинг янги сонлари билан танишишлари мумкин. Айниқса, ҳуқуқий билимлар бурчагидаги қўлланмаларга қизиқиш алоҳида бўлади. Таъкидлашларича, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари бўлинмада мунтазам ўтказиларкан.

Ота-оналар билан учрашиш жойи якшанба кунларида гавжум бўлади. Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзоси Амириддин ака Сулаймонов ўғли Суръатжонни кўргани келибди.

— Фарзандимни кўриб таниёлмай қолдим, — дейди у. — Бақувват, келишган йигит бўлибди. Ҳарбий машқларни аъло даражада бажариб, ташаккурнома олибди. Ҳарбий хизмат — чиниқиш мактаби эканлигига чуқур ишондим.

Б.МУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Ҳуқуқий-демократик жамиятда турмуш ўзгаришлари, кўп жиҳатдан, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англашлари ва Бош Қонунимизда яратилган имкониятлардан нечоғлик самарали фойдаланишларига боғлиқ. Жиззах вилоятида Конституцияни ўрганишга бағишлаб аҳоли ўртасида ўтказилган бир қатор йиғилишларда ана шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Конституциявий суди Раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев бошчилигидаги гуруҳ аъзолари Мирзачўл, Дўстлик, Жиззах, Бахмал, Ғаллаорол ва Пахтакор туманлари ҳамда Жиззах шаҳри аҳолиси билан мулоқотда бўлди. Улар Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи ва шу йилнинг 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг жамият ҳуқуқий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида маърузалар ўқишди. Ўзаро мулоқотларда Конституциянинг амалий ижроси билан боғлиқ қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

(ЎзА).

ОГОҲЛИК

Азим пойтахтимизнинг файзли кўчаларини кезарканман, одамларга назар ташлайман. Чеҳраларидаги гулгунлик, ўз ҳаётидан мамнунлик, ёшлардаги ишонч-иштиёқни кўриб дилдан қувонаман. Ҳа, ҳар қанча қувонсак ярашади. Шу жаннатмакон Ўзбекистоннинг бахтли фуқароси сифатида қалбимизда армон бўлиб келган эзгу ниятларни рўёбга чиқариш имконига эга бўлдик. Мустақиллик қадримизни, иззатимизни ўрнига қўйди.

Бироқ бундай ажойиб кунларга осонликча эришилмади. Одил ва оқил Юртбошимизнинг Худо берган кучли салоҳияти, фидокор халқимиз иродаси, саъй-ҳаракати ила бухронлардан мардона ўтиб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратмоқдамиз. Ҳаётнинг ўзи яхши муаллим. Мустақиллик йилларида кўпдан-кўп қувончли воқеалар қаторида бизни қаттиқ ташвишга солган, бағримизни ўртаган дақиқаларни ҳам бошдан кечирдик. Мулла бўлдик, кўзимиз мошдек очилди. Мустақилликни ҳар он, ҳар сония қаттиқ туриб ҳимоя қилишимиз лозимлигини, ҳушёрликни қўлдан бермаслик кераклигини теранроқ англадик.

Огоҳлик, ҳушёрлик! Шулар ҳақида ўйлаганимда ногоҳ ўтган йили республика Олий судида бир гуруҳ ватанфурушлар устидан бўлиб ўтган суд жараёни кўз олдимда гавдаланади. Ўшанда ҳамсуҳбат бўлган кишиларнинг сўзлари қулоғим остида жаранглайди.

— Ўзбекистонимизнинг мард, довюрак ўғлонлари кўп, - деганди Самарқанднинг Каттақўрғон шаҳридан келган ўқитувчи Абдулла Барноев. — Уларнинг қалби Ватан ишқи билан ёнмоқда. Ишонаман, фарзандларимиз лозим бўлса она-юрт, мустақиллигимиз учун иккиланмай жонни тикадилар.

Абдулла аканинг ўғли Улуғбек Барноев ҳаво кучларимизнинг десантчи аскарларидан эди. Отаси таъкидлаганидек, элим, юртим деган, садоқатини амалда кўрсатаётган фидойилардан эди. Сариосиё ва Узун туманлари тоғларидаги олишувларда мардлик, шижоат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У халқаро террорчилар билан юзма-юз бўлганида эсанкирамади. Ёвга шердек ташланди, дўстларини хавфдан вақтида огоҳ этди. Ҳали ҳаётда ҳеч нарса кўрмаган ёшгина йигит дунёдан бевақт кўз юмди. Бироқ унинг мардлиги, қаҳрамонлиги Ватанга садоқат тимсоли бўлиб қолади.

— Ўғлим Маҳмуджон Жалилов Қуролли Кучларимиз офицери эди, - дея таъкидлаганди Избоскан тумани, Янги тегирмон фуқаролар йиғини, Туячи қишлоғида яшовчи Мўминжон Жалилов. — Душман билан мардона курашди. Муқаддас тупроғимизга бостириб киришга уринган ёвузларни даф қилишга муносиб ҳисса қўшди. Афсуски, энди Маҳмуджон орамизда йўқ. Лекин унинг ишини тўққиз фарзандим давом эттирмоқда. Ниятим: осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин, жондан азиз фарзандларимиз кўзимизни қувнатиб ёнимизда юришсин, мустақиллик нашидасини суришсин. Бунинг учун ҳамиша ҳушёру огоҳ бўлайлик!

Қодиржон СОБИРОВ.

МИНГБУЛОҚ ФЕРМЕРИ

Мингбулоқлик фермер Адҳамжон Тошкенбоев ташвишлари йирик ширкат хўжалиги раҳбарларининкидан қолишмайди. 400 гектар ери бор. Шундан 350 гектарида деҳқончилик қилади. Вилоятдаги энг катта фермер хўжаликларидан. Одамлари эса саноқлигина.

...Унинг новча, келишган қадди-қоматига милиция формаси қуйиб қўйгандек ярашарди. А.Тошкенбоев бундан ўн йил илгари давлат автомобил инспекциясининг Наманган вилоят бошқармаси ходими вазифасида ишлар, анча йиллардан буён хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб келарди.

- Хизматимдан кўнглим тўқ бўлса ҳам бошқа ниятларим йўқ эмас эди, - дейди А.Тошкенбоев. - Тўғриси, дала кўзимга иссиқ кўринарди. Отам ҳам, бобом ҳам деҳқон ўтган. Охири онамга кўнглимни ёрдим. У кишининг розилигини олгач, 1994 йили фермер бўлдим.

Аввалига Тошкенбоевга ҳам 10 гектар ер берилди. Бу Аччиққўл чўл ҳудудидаги ташландиқ ер эди. Шунинг учунми, эндигина иш бошлаган кезлари унга кўпчилик, очиғи, энсаси қотиб қараган эди. Ҳатто энг яқин дўстлари ҳам, ниманг етмай турувди, дея киноя қилган пайтлар ҳам бўлди.

- Энди эса, - дейди Адҳамжон ака кулиб, - ўшаларнинг кўпчилиги фермерликни танлаган.

А.Тошкенбоевга ажратилган дастлабки ер майдони унумсиз эди. Бугунги кунда фермернинг тасарруфида бўлган экин майдонлари ҳам Аччиққўлнинг сершамол чўл ҳудудида жойлашган. А.Тошкенбоев ва унинг ишчилари илгари гектаридан зўрға 7-10 центнергача ҳосил олинган, шўр босган ерлардан биринчи йилдаёқ юқори ҳосил етиштиришди. Ўша йили ҳар гектар ердан 34 центнергача ҳосил олинди.

Келаси йили туман раҳбарлари фермерга қўшимча ер олишни таклиф қилишди. Шу тариқа қўл остидаги ерлар йилдан-йилга кенгайиб, ўтган йили «Гулбоғ» ширкат хўжалигига қарашли 300 гектар ер ҳам унинг ихтиёрига ўтди. Фермер хўжалиги пахтадан ташқари ғалла, озуқа ўсимликлари, шоли, полиз экинлари ҳам ўстирилган 350 гектарлик майдондан 840 тонна пахта ҳосили йиғиб олди.

- Тумандаги хўжаликлардан бири, - дейди Мингбулоқ тумани ҳокими Мухторжон Усмонов, - пахта майдони Тошкенбоевникидан икки марта катта бўлишига қарамай, 740 тонна ҳосил етиштирган, холос. Аҳвол шундай экан, А.Тошкенбоевга ўхшаган фидойи одамларни қўлламай бўладими?!

- Оиламизда 10 ўғил ва 1 қиз бор, - дея давом этади А.Тошкенбоев. - Ҳамма қариндошларим ёнимда. Хўжаликдаги доимий ишчилар сони 40 нафарни ташкил қилади. Мавсумий ишчилар юз нафардан зиёд. Уларга талабимиз қатъий: дангаса ва ишёқмасларни ушлаб турмаймиз. Астойдил ишлаганлар кам бўлишаётгани йўқ. Ойлик иш ҳақларини ўз вақтида олиб туришибди. Бундан ташқари турли устамалар, мукофот пули беради. Айрим ташкилотларнинг шартнома мажбуриятларига амал қилмаётгани қийнаб юбормоқда. Баъзида идорама-идора сарсонгарчиликлардан сўнг бу масалалар билан шуғулланишга вақтим қолмаяпти.

Бошқа эзгу ниятларим ҳам бор. Яқин келажакда янги сут-товар фермаси қурмоқчиман. Бу ердаги барча ишлар автоматлаштирилиб, оқ халат кийган ходимлар томонидан компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Хўжалигимизнинг ер майдонини эса яна 2-3 марта кўпайтираман.

Қилаётган ишларимдан кўнглим тўқ. Илгарилари бунақа бўлмаган. Ўзи одамзоднинг табиати шундай бўлса керак-да. Ишинг юришган сари янги-янги режаларни ўйлайверар экансан. Мен буларнинг барчасини мамлакатимизда одамларга, хусусан тадбиркорларга берилаётган эркинликлар самараси деб биламан. Бундан ўн йил илгари бу нарсаларни тасаввур ҳам қила олмасдим. Ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз фермерларни қўллаб-қувватлаётганидан ўзимни орқамда тоғдай таянчим бордай сезаман. Кўнглимда нима фикр, ўй-режа бўлса ўғлим билан маслаҳатлашаман. У ўзим билан ишлайди. Худо хоҳласа, вақти-соати келиб фермерликни унга топшираман. Токи у ҳам одамлар янада бой ва фаровон яшашига хизмат қилсин. Одамлар бой бўлса, мамлакат ҳам бой бўлади. Зеро бугунги кунда амалга оширилаётган барча ишларимиз ана шу ниятга қаратилган. Мен ўз навбатида умумий ишга қўшадиган ҳиссам янада салмоқли бўлишига ҳаракат қиламан.

Адҳамжон Тошкенбоевни нафақат туманда, балки бутун вилоятда фермерлар яхши билишади. Унинг ортидан эргашувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Қувонарли томони шундаки, уларнинг барчасида Наманган вилоятининг энг яхши фермерига хос бўлган фазилат - ернинг ҳақиқий хўжайини бўлиш истаги бор.

Назира ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

ҚЎШМА КОРХОНА РИВОЖЛАНМОҚДА

Жунни қайта ишлаш ва ундан турли хил буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Косонсой-Текмен» акциядорлик қўшма корхонасининг маҳсулотларини эндиликда супермаркетларнинг махсус бўлимлари ва фирма дўконларидан харид қилиш мумкин. Корхона ўзининг хусусий савдо дўконлари тизимини ташкил этишга киришди. Улардан бири Наманган шаҳридаги «Испархон» супермаркетида очилди.

Харидорлар бу ерда «Косонсой-Текмен» ишлаб чиқарган газламаларни ва улардан тикилган турли кийимлар -эркаклар ва аёллар пальтолари, костюмларини. шунингдек, болалар кийимларини харид қилишлари мумкин.

«Косонсой-Текмен»нинг фирма дўконлари ва савдо бўлимлари мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида ва йирик шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир

Ҳар бир даврда яратилган бадиий асар бевосита ўша даврнинг эҳтиёжи сифатида юзага келади. Бироқ чинакам санъат асарларигагина ўз даври эҳтиёжидан ўзиб, келажак учун ҳам хизмат қилиш насиб этади.

Ўзида замоннинг фалсафий, ахлоқий, диний, ижтимоий, маърифий қарашларини акс эттирган ҳазрат Мир Алишер Навоий ижоди ҳам худди шундай қудратга эга. Улуғ мутафаккир кўнглидан тўкилган ҳар бир сўз замонлар оша неча-неча кўнгилларни нурафшон этиб, ҳақ ва ҳақиқатдан сабоқ бериб келмоқда. Ҳазрат Навоийнинг сўзлари бугунга қадар ўз қийматини асло йўқотмаган ва шоирнинг ўзи эътироф этганидек, ёзган асарлари «авждан қуйи» энмагандир. Шоирнинг фалсафий тафаккури, теран мушоҳадаси маҳсули бўлган шоҳ байтлар Навоий ҳаётлигидаёқ халқ орасида ҳикматли сўз, афоризмларга айланиб улгурганди. Унинг олам ва инсон, жамият ва табиат ҳақидаги қарашлари, одамийлик, меҳр-муҳаббат, адолат тўғрисидаги мулоҳазалари бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Навоий бир фардида:

Жаҳон аруси учун,
эйки асру талпиндинг,
Қачон анинг бошидин
кечдинг, ул замон тиндинг, -

дейди. Инсон учун биринчи навбатда кўнгил хотиржамлигига эришмоқ муҳим иш. Хўш, кўнгил хотиржамлиги нима? Унга қандай эришиш мумкин? Шоир бунинг учун «Жаҳон аруси» — яъни мол-дунё учун талпинмаслик, унинг ишқига гирифтор бўлмасликни шарт этиб кўрсатади. Қачонки, кўнгилдан дунё ҳирси тозаланса, у нур чашмасига айланади ва ўз ҳақиқатини намоён қилади. Зеро, яратилиш ғоясининг зарурати ҳам сўнгсиз истакларни, фоний савдоларни чегаралаб, қалбдаги бутун муҳаббатни илоҳий мақсад томон йўналтиришдир. Шунинг учун ҳам Яҳё ибн Муоз «Менинг кўнглим дунё ва охиратдан устундир. Чунки дунё меҳнат ва неъмат уйидир, менинг кўнглим эса маърифат уйи. Бас, маърифат дунё ва охиратдан устун эрур», - деб айтган. Шундай экан, «жаҳон аруси», «бошидин» кечиш — хотиржамлик топиб, кўнгил муродига етмоқликдир.

Дунёга берилмоқ — нафс талаби. Нафсни енгмай туриб, ҳақиқат остонасига қадам қўйиб бўлмайди. Бу тўғрида шоир:

«ЎЗУНГГА ЮКЛАМА АНДУҲ ТОҒИН...»

(Фардлар шарҳи)



Дунёву уқбо иккиси жамъ
ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини
тутса, бўлур ғариқ, -

яъни дунё ва охират иккаласи бир жойда жамъ бўлмайдиган иш, кимки «икки кема учини» тутса, оқибатда ғарқ бўлади, - деб ёзади. Дунё ва охират ғами бир ўзанга сиғмаслигини Иброҳим Адҳам қиссаси ҳам тўла тасдиқлайди.

Нақл этилишича, Балхнинг подшоҳи Иброҳим Адҳам овга бораётиб ғойибдан «Эй Иброҳим, сени бу иш учун яратмайдур» деган овозни эшитади. Бу сўздан шоҳга огоҳлик етиб, саройга қайтиб, тоат-ибодатга берилади. Бир кун Иброҳим бир кишининг томда юрганини кўради ва ундан нима излаб юрганини сўрайди. У киши йўқолган туясини излаётганини айтади. Шунда шоҳ «Эй тевакаш, йўқолган туяни саҳродан изламай, томдан излашинг ҳамоқат эмасми?» - дейди. У киши эса: «Менинг йўқолган туяни томдан излашим ҳамоқату, сенинг тахтда ўлтириб Оллоҳни излашинг ҳамоқат эмасми?!», - деб жавоб беради. Бу сўздан сўнг Иброҳим Адҳам мулк таркин қилиб Балхдан чиқиб кетади ва тариқатда юксак мақомлар соҳиби бўлади.

Дунё ишқи кўнгилдан жой топса, ҳақ ва ҳақиқатга доир сўзлар бу кўнгилга кириб бормайди. Дунё бир имтиҳон маскани. Имтиҳоннинг баҳоси юрт учун, эл учун қилинадиган эзгу амаллар, хайрли ишлардир. Шунда бақо сўзининг ҳам, вафо сўзининг ҳам асл моҳиятига етиб, Навоийнинг мана бу танбеҳлари мазмунини тўғри англаш мумкин:

Аблаҳ ани билки, оламдин
бақо қилғай таъма,
Аҳмоқ улким, олам аҳлидин
вафо қилғай таъма.

Инсон бу оламдан бақо ва олам аҳлидан вафо таъма қилмасдан, олдин буларни ўзидан излаши лозим. Имом Ғаззолийнинг «Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилғайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун офарида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?» деган сўзлари ҳар бир юракда акс-садо бермас экан, киши ўз моҳиятига ета олмайди. Инсон фарзанди ўз манфаат ва эҳтиёжлари билан банд бўлиб, тирикчилик ташвишларида югуриш учун бу дунё остонасига қадам қўймаган. Билъакс, бу ташвишлардан баланд кўтарилиш, ўз моҳиятини англаш — унинг вазифаси. Бу вазифани унутган, қорин ғамида ўзига «андуҳ тоғин» юклаганларга қарата Навоий шундай дейди:

Етар чу ризқинг, агар
хорадур, ва гар ёқут,
Ўзунгга юклама андуҳ
тоғин, истаб қут.

Умуман, Алишер Навоий ижоди комиллик ғояларига асосланган экан, унинг ишқ, тафаккур, борлиқни куйлашидан муроди ҳам комил инсондир. Бу эса ҳар бир давр учун ўз қийматини йўқотмай, муҳим бўлиб қолаверади.

Насиба БОЗОРОВА,
ЎзФА А.Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институти аспиранти.

Эҳтиёт шарт!

СУҒУРТА — КОНИ ФОЙДА

Ҳаёт тасодифларга тўла. Дунёнинг бир чеккасида сув тошқини юз бериб одамларга кўпдан кўп ташвиш келтирса, бошқа жойда қурғоқчилик сабабли кўзланган ҳосил унмайди. Бундай табиий офатларнинг баъзиларидан энг замонавий, нодир техника ҳам олдиндан огоҳ этиши мушкул.

Ўтган йили Амударёнинг қуйи қисмида юз берган сув танқислиги, қурғоқчилик ерлик аҳоли турмуши, деҳқончилигига сезиларли таъсир этди. Шундай мураккаб шароитда суғурта меҳнаткаш мушкулини осон қилди.

«Ўзагросуғурта» давлат ҳиссадорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси дирекцияси ўтган йили қишлоқ хўжалик корхоналари билан 3911 та шартнома тузган эди. Унга биноан 117 миллион 112 минг сўмлик суғурта ишлари амалга оширилди. Бу ҳақда шу муассаса раҳбари Ислом Аминов батафсил гапириб берди:

— Ўтган йили сув танқислигидан азият чеккан 946 хўжаликка 1056821,7 минг сўм тўланиши керак. Шундан 2001 йилнинг биринчи февралига қадар тегишли корхона ва фермерларга 935973,3 минг сўм берилди. Қолгани хўжаликлар йиллик ҳисоботларини тўла топширгач тарқатилади.

Бугунгача бажарилган ишларни мисоллар билан ифодалайдиган бўлсак, Қўнғирот туманидаги «Кўкдарё» ширкат хўжалиги 43 миллион 58400 сўм, «Хоразм» ширкат хўжалиги 36 миллион 126 минг сўм, Ажиниёз номидаги ширкат хўжалиги 35 миллион сўмдан ортиқ, «Равшан» хўжалиги 29 миллион 82200 сўм суғурта пули олди. Пахтачилик хўжаликларидан Беруний туманидаги «Олтинсой» хўжалигига 7 миллион 222,2 минг, Хўжайлидаги «Қорақалпоғистон»га 15 миллион 22,9 минг сўм, Жамбул номидаги хўжаликка 9 миллион 391 минг, Тахтакўпир туманидаги «Бўршитов» фермер хўжаликлари бирлашмасига 6 миллион 600 минг сўм тақсимланди.

Шунингдек, қатор фермер хўжаликларининг сувсизлик оқибатида кўрган зарари ҳам суғурта ҳисобидан қопланди. Масалан, Тахтакўпирдаги «Генжебой ота» фермер хўжалиги учун 3,5 миллион сўм, Қонликўл туманидаги «Жаҳоной» фермер хўжалигига 2 миллион сўм, Қораўзакдаги «Нурий» фермер хўжалигига 2 миллион 100 минг сўм миқдорида қоплама суғурта пули ажратилди.

Суғурта доимий ҳаракатдаги тизим. Ниятни яхши қилиб, аммо ҳар эҳтимолга қарши амалдаги йил учун ҳам суғурта шартномалари тузиб қўйилса, фойдадан холи бўлмайди.

Суҳбатдош:
Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Жума ўгити

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

ЯХШИГА ЭҲТИРОМ

Дўстларни яхши кунлари билан муборакбод этмоқ даркор. Биродарларни шодлик айёмида, чунончи, фарзанд туғилса ё узоқ сафардан қайтиб келсалар, муборакбод этишга бориш зарур. Бу ушал шахс шодлигига шодлик қўшади.

Агар табриклашнинг одоби нечта, деб сўрасалар, олтита деб айтгил: биринчидан, ўз хурсандчилигини изҳор этсин, иккинчидан, ғамгин ва малоллик қиёфада кўринмасин, учинчидан, тадбир эгасини табрикласин, тўртинчидан, дуо қилиб, узоқ умр ва хуррам ҳаёт тиласин. Агар келин тушган бўлса, хайру барака, оқилу доно фарзандлар тиласин ва агар сафардан қайтган бўлса, сиҳат-саломатлик тиласин. Шунга ўхшаш, ҳар бир сабабга муносиб табрик сўзини айтсин. Бешинчидан, узоқ ўтирмасин, агар уй эгаси қўярда қўймай қистаса, бир муддат ўтириши ва кўнгил очар гаплардан гапириши, уй эгаси кайфиятини хушнуд этиши керак. Олтинчидан, имкониятга қараб, туҳфа-тортиқ қилиб борсин, аммо хасислик қилмасин.

НАВРЎЗ ТАДОРИКИ

Навоий шаҳрида Наврўз байрамига тайёргарлик ҳар йилгидан барвақт бошланди. Шу муносабат билан ўтказилган вилоят фаоллари йиғилишида 10 ва 17 март кунлари Наврўз шарафига умумхалқ ҳашари ўтказиш, ундан тушган маблағни байрам тадбирларига сарфлашга келишиб олинди. Шунингдек, шаҳарда тозалик ва ободончилик икки ойлиги эълон қилинди. Шаҳарликлар кўкламда 1 миллион 600 минг дона турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказишади, тозалик ва ободончилик ишларини бажаришади.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 21 март куни «Мароқанд» чойхонасида 15 нафар болакайнинг суннат тўйи ўтказилади, ёлғиз, меҳрмурувватга муҳтож, касалманд, ногиронлар ҳолидан хабар олинади. Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат ва дам олиш боғида «Наврўзинг муборак, муқаддас Ватан» деб номланган театрлашган байрам концертини ўтказишга тайёргарлик ҳам бошлаб юборилди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: ***мен кутубхонада услубчи вазифасида ишлайман. Ҳамкасбларимнинг электр энергиясидан фойдаланишлари ва кўмир сотиб олишлари учун маблағ ажратилди. Лекин менинг турмуш ўртоғим ўқитувчи бўлганлиги сабабли бу имтиёздан фойдаланолмаяпман. Шу тўғрими?***

Манзура ЭРМАТОВА,
Жалолқудуқ тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1999 йил 11 январдаги хатига асосан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб газдан имтиёзли фойдаланувчи ҳар бир педагог ходим учун меъёрлар белгиланган. Электр энергиясидан фойдаланишда эса бир оила учун (неча киши педагог ходим бўлишидан қатъий назар) 110 квтгача имтиёз белгиланган. Марказий иситиш тизимига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган меъёрлар доирасида ёқилғи ҳақи берилади.

САВОЛ: ***1990 йил 13 ноябрдаги Республика Президенти Фармонининг 3-бандида «Қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги қўрғонларда истиқомат қилаётган мактаб ўқитувчилари коммунал хизмати (сув таъминоти, табиий газ, электр энергияси) ҳақини тўлашдан озод қилинсин» деб кўрсатилган.***

Билишимизча, ушбу Фармон шу кунгача ўз кучини йўқотмаган. Бироқ биз яшаётган туманда мана икки йилдирки табиий газ, электр энергияси ҳақлари ўқитувчиларнинг ойлик маошларидан ушлаб қолинмоқда.

Ўрозбой ҲОЖИБОЕВ,
Амударё тумани,
«Чайкўл» қишлоғи.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги «Электр энергиясидан имтиёзли тарзда фойдаланувчи аҳоли учун электрдан фойдаланиш ҳажмини белгилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электр энергиясидан фойдаланиш меъёри ойига 110 квт соат миқдорида белгиланди. Ушбу меъёрдан ортиқ фойдаланилган электр энергияси учун умумий тартибда ҳақ тўланади.

Ушбу қарор бўйича Молия вазирлиги ўзининг 1999 йил 11 январдаги (06-03-17/54 сонли) хати орқали қуйидагиларни маълум қилади:

а) бир оилага ойига 40 кв.м. иситиладиган майдон учун газдан имтиёзли фойдаланишда Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилоятида 240 куб.м, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда эса 220 куб.м меъёри (бир оиладаги имтиёздан фойдаланувчилар сонидан қатъий назар) белгиланган .

б) овқат тайёрлаш учун фойдаланишда:

— Марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 9 куб.м;

— Марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 12,5 куб.м.;

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлардан фойдаланувчи ҳар бир фуқаро учун бир ойда 9 куб.м. меъёри кўрсатилган.

Қайд этиб ўтилган имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50 фоиз ва қишлоқ ўқитувчилари 100 фоиз фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Белгиланган меъёрдан ортиқ фойдаланилган табиий газ ҳақи умумий асосларда тўланади.

«САМКОЧАВТО»ДАН АҲОЛИ МАМНУН

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан кейинги икки ойда Самарқанд шаҳри кўчаларига чиқарилган янги машиналар сони 80 тага етди.

Бир неча ойдирки, Самарқанд шаҳри кўчаларида турли йўналишлар бўйича «СамКочАвто» заводида ишлаб чиқарилган ихчам, қулай ва замонавий янги 40 та автобуслар йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят ҳокимлигида яна 40 та янги автобус тақдимоти ўтказилди. Тантанали маросимда шаҳар жамоатчилиги, транспорт ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, йўловчилар, ҳайдовчилар иштирок этдилар.

Ўтган йили ноябр ойида ўтказилган вилоят кенгаши сессиясида жамоат транспорт ишини яхшилаш юзасидан жиддий танқидий фикрлар айтилган эди, - деди вилоят ҳокими Э.Рўзиев. - Биз уларни ўрганиб, муаммоларни ижобий ҳал қилиш чора-тадбирларини кўряпмиз. Жумладан, ҳозирги кунда автобуслар сони 80 тага етди. Улар шаҳарнинг 4,5,66-йўналишлари бўйича мунтазам қатнай бошлайди. Бу ҳали жамоат транспорти қатновини яхшилаш бўйича қилинадиган катта ишларнинг бошланиши холос. Вилоят ҳокимлиги нафақат Самарқанд шаҳри ички йўналишларида, балки шаҳарни қишлоқ туманлари билан боғлайдиган автобус қатновини тиклаб, унга жиддий эътибор бераётганлиги учун ҳам аҳоли мутасадди ташкилотларга миннатдорчилик билдирмоқда.

«Туркистон-пресс».



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

ТЕРАК ИМОРАТГА КЕРАК

Навоий вилояти «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари ўз ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга жиддий эътибор бермоқда. Улар кўкариб турган ҳар бир дарахт парваришини ўз назоратига олиб, янги кўчатлар ўтказишга бош-қош бўлишяпти. Айниқса, терак экишга қизиқиш кучайган.

Ўтган куз Навбаҳор туманида ҳар йилгига қараганда кўпроқ терак қаламчалари ўтказилди ва тераксорлар пудратчиларга бўлиб берилди. Й.Охунбобоев, С.Жўраев номидаги, «Учтут», «Янгиқўрғон» ширкат хўжаликларида ана шундай тераксорлар кўзга тушиб қолди. Ҳозир туман хўжаликларида 1 миллион тупдан зиёд Калифорния тераклари ўстирилмоқда.

OLAMDA NIMA GAP

УЛАН-БАТОР. Мўғулистон сўнгги ярим асрдаги энг қаҳратон қишдан азият чекмоқда. Мамлакат мудофаа вазири, табиий офатга қарши кураш бўйича фавқулодда комиссия раиси Жугдэрдэмидийн Гуррагчаанинг айтишича, ёзга бориб емишсизлик ва совуқдан ўлган жонликлар сони 6,6 миллион бошга етиши мумкин. Айни пайтга келиб эса 2 миллионга яқин от, қўй ва қорамол нобуд бўлди. БМТнинг Мўғулистондаги фавқулодда вазият бўйича миссияси аъзоларининг сўзларига қараганда, шифохоналарда совуқ урган одамлар жуда кўпчиликни ташкил этади.

* * *

ТЕЛ-АВИВ. Исроилнинг янги Бош вазири Ариэл Шарон Яқин Шарқда барқарорликка эришиш бўйича қарашларини баён қилиш учун Россия, АҚШ, Буюк Британия ва Францияга ўз эмиссарларини жўнатди. Хабарларга қараганда, А.Шарон тузилажак ҳукуматининг сиёсий тамойилларини мазкур давлатлар раҳбарлари эътиборига ҳавола қилади. Жумладан, у зўравонликлар давом этаётган шароитда тинчлик музокараси ўтказмоқчи эмас.

* * *

ҚУДДУС. Фаластиндаги «ФАТҲ» ҳаракатининг Вифлеемдаги бўлими истило қилинган араб ерларида ўрнашиб олган яҳудийларнинг ҳаётини даҳшатга айлантиришни ваъда қилмоқда. Мазкур бўлимнинг баёнотида фатҳчиларга Исроил аскарлари ва араб ерларидаги қишлоқларда ўрнашиб олган яҳудийларга ҳужум уюштиришга кўрсатма берилган.

Ариэл Шароннинг бош вазирлик даври барқарор ва осойишта ўтмайди. Фаластин ерлари ҳисобига барпо этилган яҳудий қишлоқлари дўзахга айланади, дейилади баёнотда.

* * *

БРЮССЕЛ. НАТО Бош котиби Жорж Робертсон Россияни алянснинг шарқ қа кенгайиши унга хавф солмаслигига ишонтиришга ҳаракат қилмоқда. Унинг айтишича, ҳозирча бирор номзод давлатга НАТОга кириш тўғрисида таклиф билдирилмаган. Бироқ Вашингтон шартномаси ҳар қандай демократик мамлакатнинг алянсга қабул қилинишига рухсат беради, деди у. НАТО кенгайишининг кейинги босқичидаги номзодлар орасида Россиянинг қўшнилари Латвия, Литва ва Эстония бор.

* * *

БЕРЛИН. Германия канцлери, ҳукмрон социал-демократлар партияси раиси Герҳард Шрёдернинг фаолиятини аҳолининг 50 фоизи маъқуллар экан. Мамлакатда ўтказилган жамоатчилик сўрови натижалари шундан дарак беради. Германия Бундестагига (парламент) 2002 йилда ўтказиладиган сайловда унинг асосий рақиби бўлиши кутилаётган Христиан-демократлар партияси етакчиси Ангела Меркел эса аҳолининг 42 фоизи орасида катта обрўга эгалиги маълум бўлди.

* * *

ДАККА. Бангладешда мамлакат Бош вазири Ҳасин Вазеднинг истеъфога чиқиши талаби билан оммавий иш ташлаш ўтказилди. Мазкур тадбир Бош вазир тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар ўртасидаги тўқнашувга айланиб кетди. Натижада камида тўрт киши қурбон бўлди. Полиция тўполончиларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизувчи газ ва тўқмоқларни ишга солган.

* * *

МАНИЛА. Филиппиннинг коррупцияда айбланиб, вазифасидан озод этилган собиқ президенти Жозеф Эстрада белгиланган беш кунлик муддатда ўзидан айбни соқит қилувчи бирор исбот келтирмади. У ўзини оқлаш учун қонуний ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечди. Бу эса собиқ президентни судга тортиш учун йўл очиб беради.

* * *


ЛОНДОН. АҚШ маъмурияти ракетадан мудофаа тизими дастурини амалга ошириш борасида Буюк Британиядан кўмак сўраса, расмий Лондон розилик билдиради. Мамлакат мудофаа вазири Жеф Хун парламентда сўзга чиқиб шуни маълум қилди. Унинг айтишича, АҚШ Бирлашган қироллик ҳудудидаги иншоотлардан фойдаланиш хусусида расман сўров жўнатмаган. Бироқ бу борада дастлабки мулоқотлар бўлиб ўтган.

* * *

ТОКИО. Россия президенти Владимир Путин ва Япония Бош вазири Иосиро Морининг олий даражадаги учрашуви 25 март куни Иркутск шаҳрида бўлиб ўтади. Япония ташқи ишлар вазирлиги вакили шуни маълум қилди. Бу учрашувда кўплаб масалалар қаторида икки мамлакат ўртасида тинчлик шартномаси имзоланиши ва унга тўсқинлик қилиб турган Курил ороллари бўйича баҳс юзасидан музокара ўтказилади.


(ЎзА).

OLAMDA NIMA GAP



ОЛИС ҚИШЛОҚ СПОРТИ

Азиз муштарий, қуйида ҳукмингизга ҳавола этилган мақолаларни ўқиб, айтмоқчи бўлган фикримизни англайсиз ва бизни қўллаб-қувватлайсиз деб ўйлаймиз. Мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, қишлоқ спортини кўтариш, юксалтириш ишига оз бўлса-да, ҳисса қўшмоқ. Бунинг учун газетамизда қишлоқ спортига бағишланган алоҳида саҳифа очишни ният қилдик. Унинг қандай бўлиши кўпроқ сизларга, баҳамжиҳат саъй-ҳаракатларингизга боғлиқ. Ўз қишлоғингизда амалга оширилаётган таҳсинга сазовор ишлар, камчилик ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўлидаги таклифларингиз, қолаверса, ёш истеъдодлар хусусида биз билан фикр алмашасиз, деган умиддамиз.



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Мулоҳаза

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДАРСМИ?

Болаликда бирга кўча чангитиб тўп тепиб юрадиган тенгдошим мақтаниб қолди: «Оғайни, фалон куни фалон қишлоқнинг терма жамоасини ўз майдонида ютиб келдик. Кеча ҳатто биринчи лиганинг фалон жамоаси ўринбосарларини доғда қолдирдик. Ҳужумда ўйнадим. Гол ҳам урдим!» Кейин қўшиб қўйди: «Нима дейсан, агар олдинроқ бирон-бир футбол мактабига борганимда, ҳозир энг зўр футболчилардан бўлардим-а?»

Тамқишлоқ дўстимнинг самимият-ла айтган сўзларини тинглар эканман, кўксимда қандайдир оғриқ ҳис этдим. Чинданам унда истеъдоднинг қайсидир қирралари намоён эди. Озгина эътибор бўлганида, ўзи айтганидек, махсус футбол мактабида тарбияланганида, балким, ундан зўр футболчи ҳам чиқарди. Бироқ афсуски... Бугун армон ва афсус ила эсга олаётганимиз миллий терма жамоамизнинг «Ливан-2000»даги мағлубиятларига, умуман, ўзбек футболи тараққиётига тўсиқ бўлаётган бош сабаб шу эмасмикан?

Фахр билан айтиш керак, истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан соғлом авлодни тарбиялашда асосий омил бўлмиш жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси билан кўплаб спорт турлари ривожлантирилди. Ўнлаб вакилларимиз қитъа, жаҳон ва олимпиада мусобақаларида зафар қучишди. Республикамизнинг турли шаҳар ва туманларида юзлаб замонавий спорт иншоотлари қад ростлади. Шунга қарамасдан бу борада, айниқса қишлоқларидаги умумий аҳволдан қониқиш ҳосил қила олмайсиз. Аввало қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарслари ўтилиши ҳақида. Аксар жойларда бу дарсларга иккинчи даражали дарс сифатида муносабатда бўлиш ҳали-ҳануз давом этмоқда. Спорт жиҳозлари, тўплар етишмайди. Энг ачинарлиси, жисмоний тарбия дарсларини ушбу мутахассисликдан умуман бехабар ўқитувчилар ўтаётган ҳолатларни ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Яна бир аччиқ ҳақиқат шуки, миллион-миллион маблағ эвазига бунёд этилган кўплаб спорт иншоотлари аянчли аҳволда, ёки бўлмаса, эътиборсизлик, баъзи ҳолларда уқувсизлик оқибатида етарли даражада фойдаланилмаяпти. Масалан, биргина Сурхондарё вилояти қишлоқларида 3 та турли ҳажмдаги бассейн, 5 та тир, 21 та стадион, 33 та теннис корти, 299 та спорт зали ва бошқа иншоотлар мавжуд. Уларда фаолият юритаётган турли спорт секциялари, бўлим ва тўгаракларда 92806 нафар спортчи шуғулланмоқда. Хўш, шунча спорт иншоотлари ҳамда спортчиларга эга вилоят вакиллари бугун ўз натижалари, муваффақиятларидан тўла маънода мақтана оладиларми? Албатта, йўқ.

...Машҳур «Суюнчи» бадиий фильмини яхши эсласангиз керак. Фильм бош қаҳрамони, ашаддий футбол ишқибози Шермат номи тоғлар орасида қолиб кетишини хоҳламагани учун ҳам ҳаваскор оилавий командасининг негрлар билан ўйнашини орзу қилади. Демоқчимизки, бугун қайсидир бир чекка қишлоқларимизда истеъдод ғунчалари бўлган тенгдошларимиз кўча чангитиб юрибди. Наҳотки, уларга етарли даражада шарт-шароит яратиб бериш мумкин эмас? Бир кун келиб эзгу орзуларимизни рўёбга чиқарадиганлар ҳам шулар-ку!

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма спорти

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Куни кеча Бухоро туманидаги «Маданият» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг муҳташам спорт мажмуи юзлаб мухлислар ва ёш полвонлар билан гавжум бўлди. Агросаноат мажмуи ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмиталари ташаббуси билан ўтказилган миллий кураш бўйича вилоят биринчилиги мусобақаларида ўсмирлар олти вазнда ўзаро беллашдилар.

Қизғин ва муросасиз баҳслардан сўнг Э.Умаров, И.Қурбонов, Ў.Бобоев, О.Аҳмедов (Олот тумани), М.Ҳасанов, М.Солиев, Н.Аслонов, Ш.Қурбонов (Бухоро тумани), Ш.Тўлаев, Д.Қўлдошев, Ш.Муқимов (Жондор тумани)лар шоҳсупага кўтарилдилар. Умумжамоа ҳисобида эса ғолиблик мезбонларга, иккинчи ва учинчи ўринлар Олот ҳамда Жондор туманлари вакилларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг махсус совринлари маданиятлик полвон Ф.Холиқов ва мусобақанинг энг ёш ғолиби З.Турдиевга тақдим этилди.

У.ТОШЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси бош мутахассиси.

Пўлат ЖУМАНАЗАРОВ, касаба уюшмаларини мувофиқлаштирувчи туман қўмитаси раиси:

— «Соғлом авлод» йили биз учун ўзига хос йил бўлди. Бир нечта спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Айни пайтда 66 та баскетбол, 187 та волейбол, 13 та қўл тўпи, 71 та футбол майдончалари бўлиб, уларда 46 мингга яқин ёшлар шуғулланмоқда. Ўз истеъдодларини намоён этиб, кўзга ташланиб қолган минг нафардан зиёд умидли спортчиларимиз 22 нафар мураббий кўмагида ўз маҳоратларини оширмоқда.

Айниқса, миллионлар ўйини ҳисобланган футболни ривожлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар кишини қувонтиради. «Китоб» футбол жамоаси мамлакат чемпионати иккинчи табақа саралаш мусобақасида 2-ўринни эгаллади. «Чарм тўп» футбол мактаби тарбияланувчилари қўлга киритган натижалар ҳам мақтовга лойиқ. Шунингдек, спортнинг 7 тури бўйича касаба уюшмалари спорт жамияти томонидан ташкиллаштирилган ташкилот ва хўжаликлар ўртасидаги биринчилик ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Умуман, ўтган йили туман спорт қўмитаси иш режасига киритилган 28 та мусобақанинг барчаси ўтказилди.

Жорий йилда эса «Олимпиада умидлар-2001» вилоят ва республика миқёсидаги баҳсларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса, зарур шарт-шароитлар яратиб берилган Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Бедил, Фафур Ғулом ва Охунбобоев номли мактаблар ўқувчи-ёшларининг фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда.

Шавкат ЮСУПОВ, «Паландара» хўжалигининг спорт йўриқчиси:

— Асосан тоғли ҳудудда жойлашган қишлоқларимиз ёшларининг қизиқишини яна-да орттириш учун хўжалик марказидаги қишки клубда кураш, стол тенниси, шахмат-шашка, футбол, волейбол сингари 6 та спорт тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Ушбу тўгаракларда Абдували Азизов, Истам Усмонов, Қаҳҳор Меликов каби тажрибали мураббийлар ҳафтада 3 марта машғулотлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, хўжаликда ўтказиладиган барча тадбирларда спорт мусобақаларига катта эътибор берилмоқда. Арқон тортиш, кураш, футбол, волейбол баҳсларига мухлислар ҳамиша жондили билан ташриф этишади. Бу тадбирлар ёшлар ўртасида жиноятчилик каби нохуш иллатлар томир отишининг олдини олмоқда.

Ютуқларимиз билан бир қаторда жиддий камчиликлар, бартараф этилиши лозим бўлган муаммоларимиз ҳам бор, албатта. Баъзи спорт турлари бўйича анжомлар етишмайди. Машғулот заллари тўлиқ жиҳозланмаган. Ўйлаймизки, хўжалик маъмурияти камчиликларни тугатиш учун бор имкониятни ишга солиб, ёшларни яна ҳам нуфузли мусобақаларда иштирок этишларини таъминлайди.

Элдор ОЛИМОВ, 62-мактабнинг XI синф ўқувчиси:

— Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларга ҳавас қиламан. Худди улардек маҳоратли, етук курашчи бўлсам дейман.

7-синфдан бошлаб Шермуҳаммад Сатторов, Ўлмас Содиқов, Элёр Жўраев сингари тенгдошларим билан кураш тўгарагида устозимиз Абдували Азизов раҳбарлигида олишув сирларини ўрганяпман.

Вилоят ўқувчилари ўртасидаги кураш мусобақасида иштирок этиб, иккинчи ўринни олганлигим мени яна-да руҳлантирди. Жонажон Ўзбекистоним шуҳратига шуҳрат қўшишдек ажойиб кунлар менга-да насиб этса, деб умид қиламан.

С. ШАВКАТОВ.



Фахр

ПАҲЛАВОНЛАР СОҒЛОМ ЮРТДА ЯШАЙДИ

Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Китоб туманида бўлганимизда соҳа фидойилари, ёш спортчилар билан суҳбатлашиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.



Муаммо

ИШТИЁҚ БОР, ШАРОИТ-ЧИ?

«Қулама» фуқаролар йиғинига қарашли Навоий номли хўжаликда 15100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Буни қарангки, шунча аҳоли яшайдиган мазкур гўшада бирон-бир тайинли спорт мажмуи йўқ. Ваҳоланки, аҳолининг аксарият қисмини ўсмир-ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, спорт иншоотлари нақадар муҳимлигини ҳис этиш қийин эмас.

Йиғин котиби Умар Тўраевнинг таъкидлашича, ҳудуддаги 5 та ўрта умумтаълим мактаби спорт базаларидан ўқувчилар кўнгилдагидек фойдаланишаётган экан. Бироқ «ҳолва» деган билан оғиз чучирмиди. Хўш, 7 мингга яқин ўсмир-ёшлар ҳамда ўрта ёшли аҳоли қаерда, қайси спорт тури билан машғул? Уларга қандай шароитлар яратилган? Афсуски, суҳбатдошимиз хўжаликнинг иқтисодий имкониятлари бу борада чекланганлигини рўкач қилишдан нарига ўта олмади.

Кўринадики, бу ҳол аввало хўжалик раҳбарлари ва туман мутасаддиларини, қолаверса, оқсоқол ва фаолларни ташвишга солмаяпти. Назаримизда, «Сен менга тегма, мен сенга...» қабилида иш тутилаётган кўринади.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

«Олимпиада умидлари-2001»

ҲОМИЙЛАР СОВҒАСИ

Республикамизнинг турли ҳудудларида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида «Олимпиада умидлари — 2001» мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Яқинда ана шундай беллашувлардан бири Балиқчи туманидаги Олимбек қишлоғи ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Мусобақада туманнинг қарийб барча мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Улар спортнинг мини футбол, енгил атлетика, волейбол турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Ғоят қизиқарли ўтган волейбол мусобақаларида 10-ўрта мактаб жамоаси пешқадамлик қилган бўлса, қолган беллашувларда 6-мактаб ёш спортчиларига омад кулиб боқди.

Мусобақа сўнггида ғолибларга ташкилотчилар ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

З. ШАҲОБИДДИНОВ.

Дўст ачитиб гапиради

ҚИММАТГА ТУШГАН «ТЕЖАМКОРЛИК»

Октовнинг кунгай бетида жойлашган бу маскандa ориятли, мард ва танти одамлар яшайди. Азал-азалдан уларнинг бирон тўй ё тантанаси курaш-у кўпкарисиз ўтмаган. Арғумоқда Зарафшонни лойлатиб кечган чавандозлар бўлган бу элда. Хатирчилик теннисчи қиз Ирода Тўлаганованинг маҳорати бугун тилларга тушди. У илк сабоқни шаҳарлардаги шинам теннис кортларида эмас, Янгиработ қишлоғи кўчаларида ўрганганлигидан фахрланмай бўладими, ахир!

Аммо негадир кейинги пайтларда хатирчилик спорт усталарининг номи вилоят, республика мусобақаларида эшитилмаяпти. Беихтиёр савол туғилади: одамлар ишдан бўш вақтларида ўзлари севган спорт машғулотлари билан шуғулланаяптиларми?!

Афсуски, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман бошқаруви йўриқчиси Учқун Расуловдан қониқарли жавоб ололмадик. Тўғрироғи, қишлоқ спорти ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилибди. Тумандаги 21 та хўжаликдан 12 тасида спорт йўриқчиси фаолият кўрсатмоқда. Қолган хўжаликлардаги «штат жадвалидан» бу иш ўрни ўчириб ташланганига анча бўлди. Шу боисдан ҳам туманда бу борада белгиланган иш режаси бажарилмасдан қолди. Жумладан, биринчи чоракда ўтказилиши белгиланган «Шунқорлар» спорт ўйинида тумандаги ташкилот ва хўжаликлар вакиллари қатнашиши режалаштирилган эди. Амалда эса Қосим Раҳматов, Шараф Рашидов, Ибн Сино номли хўжаликларнинг ҳаваскор спортчилари қатнашди, холос. Қоғозларнинг кўрсатишича, футбол бўйича «Ўзбекистон», кураш бўйича Абдухолиқ Ҳалимов номли хўжаликларда ички мусобақалар ўтказилган. «Соғлом авлод» дастури асосида хўжаликлараро футбол, волейбол, кураш, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиш режалигича қолиб кетди. Туманлараро беллашувларга-ку хатирчиликлар маблағ йўқлиги учун умуман боришмадилар. Маҳоратли спортчиларни республика мусобақаларига тайёрлаш ҳам ўлдажўлда бўлиб қолди .

Иллатнинг илдизини тумандаги мутасадди ташкилот, хўжалик раҳбарларининг спортга иккинчи даражали иш деб қарашидан излаш керак. Акс ҳолда «Зарафшон», «Боғчакалон», «Олтинсой», «Учқора», Элмурод Абдиев, Йўлдош Охунбобоев номли хўжаликларда спорт жиҳозлари олишга бир сўм ҳам сарфланмабди. Буни қандай баҳолаш керак. Тежамкорликми ёки қишлоқ спортига ажратилган маблағ ишлатилмаганими?

Туман йўриқчисининг спортни ривожлантиришга оид тадбирининг 6-бандида «Қишлоқ спорт клубларида таъмирлаш ишларини олиб бориш» деб ёзилган. Қойил-ей! Ахир, Хатирчи қишлоқларида сизга қарашли спорт клубларининг ўзи йўқ-ку. Бу гапни қўшни тумандан ёки 5-6 йил илгариги тадбирдан кўчириб олдингизми, ука!

Айбни йўриқчига тўнкайвериш ҳам инсофдан бўлмас. Чунки тумандаги бу аҳволга вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳам айбдор. Агар спорт тадбирларини ўтказиш маблағлаштирилиши қатъий назоратга олинганда шубҳасиз, қишлоқ спорти бунчалик орқага кетмаган бўларди.

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари Виктор Намнинг берган маълумотига кўра, Қизилтепа, Навоий, Навбаҳор туманларидаги каби қолган туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари қошида ҳам «Пахтакор» спорт клубларини 1999 йил охиригача тиклаш режалаштирилган эди. Орадан бир йилу икки ой ўтди ҳамки, Хатирчида ҳамон спорт клуби йўқ.

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан кадрларни танлаш, жойжойига қўйишга ҳам масъулиятсизлик билан ёндошилган. Вилоятнинг 8 нафар жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман бошқаруви йўриқчиларидан Конимех туманидагина спорт мутахассиси ишлаяпти. Хўжаликлардаги аҳвол бундан ҳам баттар. Нурота туманини истисно қилганда Навбаҳор туманининг 15 хўжалигидан 6 тасида, Конимех туманининг 9 хўжалигидан 6 тасида, Қизилтепа туманининг 20 хўжалигидан 13 тасида, Учқудуқ туманининг 6 хўжалигидан 2 тасида, Томди туманининг эса биронта хўжалигида ҳам спорт йўриқчиси штати йўқлигига нима дейсиз?

Албатта, қишлоқ спортини юксалтириш битта жамиятнинг кучи, ташаббуси билан амалга ошадиган иш эмас. Бунга вилоят ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар, барча-барча бош қўшиши керак. Шундай эмасми?!

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6